



BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI

2/2017

ЛИТЕРАТУРА

1. Бим И.Л., Биболетова М.З. Возможные формы и содержание курсов обучения иностранным языкам в начальной школе // Иностранные языки в школе. – № 2. 2001. – С. 3-9.
2. Журий Т.В. Обучение произношению в истории отечественной и зарубежной методике преподавания // Известия Российского государственного педагогического университета им. А.И. Герцена. 2008. – № 73-2. – С. 54-59.
3. Лебедева Е.В. Использование эффективных методов и приемов обучения произношению в средней школе. – Городец. 2005. – С. 3-7.
4. Муртазина Э.М. Коммуникативная направленность в обучении английскому произношению // Вестник Казанского технологического университета. 2010. – № 3. – С. 443-449.
5. Пестов Е.И. Основы коммуникативной методики обучения иноязычному общению. – М.: Просвещение, 1989. – 340 с.
6. Порожняк Н. Ф. Развитие фонетических навыков у студентов неязыковых вузов // Молодой ученый. 2014. – № 9. – С. 556-558.

УДК 159.9

ҲАРБИЙЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ ВА ЁШЛАРНИ ЧАҚИРИҚЧА ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИДА ШАҲС ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ҲИСОБГА ОЛИНИШИ

Абдуллоев Йўлчи Зиявич

БухДУ Ҳарбий факультет бошқарушнинг маънавий-маърифий ишлар бўлими ўринбосари,
майор

Тавлиҳ сўзлар: ҳарбий, индивидуал, шахс, психология, жамов, темперамент, месон, нейтрал, идеал, сангвиник, меланхолик, холерик, флегматик, қобилият.

Ключевые слова: военный, индивидуальный, личность, психология, коллектив, темперамент, критерий, нейтральный, идеальный, характеры, способности.

Key words: military, individual, person, psychology, community, temper, criteria, neutral, ideal, sanguine, melancholic, choleric, phlegmatic, ability.

Мақур мақола ҳарбийларни тарбиялаш ва ёшларни чақириқча тайёрлаш жараёнида ҳарбий педагогик-психологик жиҳатларни ўрганишга қаратилган.

В статье рассмотрен процесс изучения особенностей психологии военнослужащих на начальном этапе военного образования молодежи в ходе преподавания военной педагогики и психологии.

The article deals with studying pedagogical and psychological aspects of military men in the process of upbringing them and preparing young people to military service.

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда тавлим муассасасида фаолият юритувчи ҳарбий раҳбарларнинг шахс психологиясини ўрганиш фаолиятида психологик-педагогик билимларга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Ҳозирги замон ҳарбий хизматчилари ва чақирувга қадар ҳарбий тайёргарлигининг факат маълум бир соҳада чағарланган билимлар эгаси бўлган тор ихтисосли мутахассис эмас, балки чуқур интеллектуал қобилиятга эга бўлган, кенг дунёқаршли, юксак маданиятли ва маънавиятли инсон, ўз билими, шахсий намунаси билан бўйсунулиларининг ҳарбий психологиясини ўргана оладиган педагог бўлиши зарурдир.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ҳарбий кадрларни ўрганиш, шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларини тадқиқ этиш, шунингдек, ёшларни ҳарбий касбга йўналтиришда уларнинг психологиясини ўрганиш муаммоларини тарб олимлари ишларида кўришимиз мумкин. Бу йўналишнинг намояндалари каторига Д.Калиберг, Д.Бромлей, Дж.Биррер, А.Валлон, Г.Гримм ва бошқалар кирази [1]. Шунингдек, ўзбек олимларидан М.Давлетшин, Э.Ғозиев, В.Каримова, У.Қодиров, Б.Умаров, А.Сотиболдиев, А.Каримжанов, Б.Жўраев, М.Жўраевлар ҳам илмий тадқиқотлар олиб боришган [3].

Маъкур мақолада шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари тўғрисида фикрлар баён этилган. Ҳар бир шахс қайтарилмас темпераментдир (И.Павлов). Ҳар бир шахс биосоциал мавжудотдир (Аристотель). Юқоридаги таърифлардан кўриниб турибдики, шахс нафақат биологик, шу билан бирга ижтимоий-психологик мавжудот ҳисобланади. Инсон ҳайвонлардан фақатгина онги билангина эмас, балки бошқа психик хусусиятлари билан ҳам фарқлидир. Тутилган чақалоқ ҳам, етуқ шахс ҳам, эужо олим ҳам индивид ҳисобланади. Инсонлар билан мулоқотда бўлиб, жамоа ишларида иштирок этиб, одам шахста айланади. Шахс деганда аниқ бир инсонга нисбатан ва умумлаштирилган ҳолда ўзидан асқар деганни тушуниш керак.

Психологияда шахс деганда аниқ бир инсон, унинг жамоадаги ўрни, фаолияти, атрофдагиларга бўлган муносабати, индивидуал қобилиятлари назарда тутилади.

Шахс бу инсонлар жамоаси ривожланишининг натижасидир. Шахс фақат жамоада шаклланади.

Юқорида айтилганлар ҳарбий таълим ўқитувчисининг педагогик фаолиятида, тарбияланувчилар билан муносабатларда, тарбиявий ишларида асос бўлиши керак.

Шахснинг интизомида ва фаолиятида психологик хусусиятлар катта роль ўйнайди. Бундай психологик хусусиятларга:

- темперамент;
- характер;
- қобилиятлар киради.

Булар психологик жараёнларда ҳосил бўладилар ва шаклланадилар. Психологик хусусиятлар психиканинг умумий тузилишини, унинг ташқи ва ички фаолиятини аниқлайди. Шахс тўғрисидаги ҳарбий психологиянинг маълумотлари мактабдаги ҳарбий таълим ўқитувчисига ўқувчиларни ўқитиш ва ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда жуда асқатади. Психология – маърифий фан бўлиб, шунини исботладики, асқарлар фаолиятида психологик хусусиятлар асаб системасининг тузилиши, жисмоний ривожланиши муҳим ўринга эга. Шахсда ижтимоий ҳолат биологик ҳолат билан ҳамбарчас боғлангандир. Бу ерда ижтимоий ҳолат устун туради. Чунки, баъзи бир ҳолатларда ҳаёт шароитлари, жамоат таъсири, тарбия, ўз устида ишлаш одам организмичини, асаб системасини ўзгартириши мумкин.

Асқар шахсияти ўзининг маъносига ва тузилишига эга.

Шахснинг маъноси деганда, унинг ички дунёсини, билимларини, тушунчаларини, дунёқарашини тушуниш керак.

Шахснинг тузилиши деганда, психологик томондан шахснинг йўналтирилишини, унинг характерини, қобилиятларини ва темпераментини тушуниш керак. Уларни кўриб чиқамиз.

Шахснинг асосий хусусиятларига темперамент, характер ва қобилият ҳамда уларнинг хизмат ва ўқиш жараёнида ривожланиши киради. Инсон ҳаётининг юксак чўққиси меҳнатдир. Инсон фаолияти ҳар хил шароитда юзага келади. Лекин, инсон фаолияти доимо бир нарсага эга. Бу инсон ўз олдига қўйган мақсад. Мақсад фаолиятни аниқлайди. Мақсадлар системаси инсон фаолиятининг йўналишини аниқлайди.

Йўналтириш тузилиши қуйидагича:

- талаблар;
- меҳнат;
- мақсадлар.

Талаблар ўз навбатида ички турга бўлинади:

- табиий (овуқча, кийим);
- маънавий (билим, мулоқот, фаолият).

Агар табиий талаблар қондирилмаса, инсон жисмонан заифлашади. Бундай қондирилмаслик шахснинг кайфиятига, меҳнат фаолиятига таъсир этади. Шунинг учун офицер доимо ўз асқарларига ғамхўр бўлиши керак. Уларнинг овқатланишига, кийимига, уйқусига жавобгарлигини ҳис қилиши керак. Лекин, жанг шароитида бундай талабларни тўлиқ қондириб бўлмаслигини ҳам асдан чиқариш керак эмас.

Маънавий талаблар инсон фаолиятида энг муҳим талаблар ҳисобланади. Маънавий талаблар - бу билимга чанқоқлик, фаолиятга интилиш, ҳурмат қозонишдир. Маънавий

талаблар шахснинг маънавиятини аниқлайди. Маънавий талаблар қондирилмаса, шахс маънавий бўзилишга учрайди. Шунинг учун ҳам офицер аскарларни ҳар томонлама маънавий етук шахс қилиб тарбияланишга жавобгар. Талаблар асосида инсон фаолияти мезон ҳосил бўлади. Мезон — бу инсонни фаолиятга қорлайдиган куч. Мезонни мазмунига тузилишига кўра фарқ қиладилар.

Тузилишига кўра:

- ривожланган;
- мураккаб;
- содда мезон.

Мазмунига кўра:

- ижобий;
- нейтралъ;
- салбий мезонга бўлинади.

Содда мезонга қуйидагилар киради:

- хоҳиш;
- интилиш;
- истақ.

Мураккаб мезонга:

- ишониш;
- идеаллар;
- қодирлик;
- қизиқиш киради.

Интилиш — мезоннинг элементар шакли. У инсон талабларини аниқ тушуниш фаолият кўрсатганда ҳосил бўлади.

Хоҳиш — бу инсон томонидан талабларни аниқ билиб фаолият кўрсатишдир.

Истақ — бу хоҳишга яқин мезон. Учови ҳам табиий талаблар билан боғлиқ бўлади. Маънавий талабларга мураккаб мезонлар тегишлидир.

Қизиқиш — бу инсоннинг бирор — бир воқеа, ҳодиса ёки предметни тўлиқ билиш оғирлигидир.

Қодирлик — бу нафақат предмет ҳақида ҳамма нарсани билиш, балки ўша предметга нисбатан фаолият кўрсатишдир.

Идеал шахснинг бош талабларини аниқлаб, юқори маънавий фаолиятга қорлайди.

Ишониш — аниқ кучли ва мураккаб мезон. Бу мезон бошқа мезонларини бирлаштириш ва бошқаради.

Шахснинг психологик хусусиятларидан яна бири бу темпераментдир. Темперамент ташқи томондан одамнинг куч-қайратига, тезлигига, нутқига, юриш-туришида кўринади. Тўрт турдаги темперамент белгиланган:

1. Сангвиник темперамент — асаб ва психологик жараёнлар кучли бўлиб, улар бир-бирини алмаштириб туради. Бундай темпераментли одам ишчан, лекин босиқ бўлади.

2. Холерик темперамент — асаб ва психологик жараёнлар ўта таванг, тез-тез ўзини алмаштириб туради. Бундай одам шўх, лекин босиқ бўлмайди, тез асабийлашганда ҳаракатлари тез ва кўпчи бўлади, кўпинча ўйланмай иш қилади.

3. Флегматик темперамент — асаб ва психик жараёнлар кучли, лекин бир-бирини алмаштирмайди. Бундай темпераментли инсон бўш, ҳаракатлари кам бўлади. Лекин босиқ бўлади. Бир иш қилишдан олдин яхшилаб ўйлаб, кейин ҳаракат қилади.

4. Меланхолик — асаб ва психик жараёнлар бўш, кўпинча тўхтаб туради. Меланхолик темпераментли киши камгап, ҳеч ким билан мулоқотда бўлмайди. Тез халфа бўлади, кам ҳаракат қилади. Ҳаракат қилишдан олдин кўп ўйлайди ва ўйлашда кўп шубҳаланади.

Темпераментни аниқлаб, жамоадаги аъзоларга иш ва вазифаларни тақсимлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шахснинг психологик хусусиятларидан яна бири фсъл-атвор, яъни характердир. Характер — асар шахсиятининг хусусияти. У асарнинг атрофдагиларга, фаолиятига, ўзини муносабатини аниқлайди. Характерда инсоннинг индивидуал хусусиятлари камол топади.

Характернинг шаклланиши аскарликка келишдан анча олдин бошланади. Шунинг учун раҳбар (командир) ёш аскарда характер шаклланиб бўлганлигини билиб, суҳбатларда интилиш, қизиқиш, атрофдагиларга муносабатлари ҳақида аниқлайди. Тарқиман ҳол, иш ёки ўқиш жойидан тавсифномалар бунда асқотати.

Характер – тарбияланадиган хусусият. Характер тарбияси – бутун жараён. Уни бўлимларга бўлиб бўлмайди. Характер тарбияси систематик ва мақсадли бўлиши шарт. Характер тарбиясида командирнинг ва жамоанинг роли жуда муҳим.

Характер:

- 1) кучига кўра;
- 2) муносабатлар мазмунига кўра;
- 3) доимийлигига кўра каби турларга бўлинади.

Характер кучига кўра:

- а) кучли;
- б) кучсиз бўлади.

Доимийлигига кўра:

- а) мустаҳкам;
- б) мустаҳкам эмас.

Муносабатлар мазмунига кўра:

- а) интимоний ҳолатларга;
- б) фаолиятга;
- в) бошқа одамларга;
- г) ўз-ўзига.

Бошқа одамларга муносабатлар мазмунига кўра характер:

- а) жамоатбоп;
- б) ўз ичига кирган.

Жамоатбоп ўз навбатида:

- а) инсонпарвар;
- б) изланувчан.

Характерни тарбиялашда ҳарбий психология қуйидаги йўналишларни тақдим этади:

1. Хулқнинг яхши томонларини шакллантириш ва феолаштириш.
2. Хулқ ва одатларни мақсадли йўналтириш.
3. Жамоа таъсирини қўллаш.
4. Характернинг яхши томонларига таъсир килиш.
5. Характерни ўзи томонидан тарбиялаш.

Аскар характерининг ижобий томонларидан камтаринлик, ростқўйлик, ҳаётга қувонч, бердошлилик инсон эътиборини тортади.

Шахснинг яна бир хусусиятларидан бири – қобилиятдир. Қобилият – аниқ феолиятни бажариш учун психологик ҳолатдир.

Одам туғилганда генетик йўл билан ота-онадан ҳам баъзи бир қобилиятларни олади. Булар асосида тарбия жараёнида ҳар хил қобилиятлар ҳосил бўлади.

Қобилиятлар қуйидагиларга бўлинади:

- шахсий қобилият;
- махсус қобилият;
- умумий қобилият.

Шахсий қобилият – ҳар қандай одамнинг психологик хусусиятларига кўра қобилиятдир. Махсус қобилият – аниқ бир феолият тури учун керак бўлган қобилиятлар. Умумий қобилият – умумий феолият учун керак бўлган қобилиятлар.

Қобилиятларни ривожлантириш йўллари қуйидагича:

1. Аскарларни актив феолиятга қатнаштириш.
2. Хулқнинг яхши томонларини шакллантириш ва жадаллаштириш.
3. Қобилиятларни тўғри ва адолатли баҳолаш.
4. Индивидуал ҳолатларни эътиборга олиш.
5. Шахсни ҳар томонлама ривожлантириш.

Шундай қилиб, ҳарбий раҳбар ўз таълим-тарбия жараёнида психологик хусусиятларни аниқлаб иш олиб бориши керак. Маълумки, касб танлаш ва касбга йўналтириш масаласи

қадимдан мавжуд. Лекин, касб танлаш, касбга йўналтириш тушунчаларини биринчи бўлиб Гарвард университетининг профессори Момстерберг фанга киритган.

Касбга танлаш деганда маълум бир фаолиятга қарак бўлган, психологик хусусиятларга эга бўлган шахсни танлашни тушуниш керак. Авваламбор, касб танлаш шахснинг қobiliятларини аниқлашдир. Касб танлаш уч бoшқичда олиб бoрилади:

- мактабда;
- муҳофиза ишлари бўлимида;
- ҳарбий мутахассисликда.

Касбга йўналтириш — бш аююдга касбни тўғри танлаш учун ёрдам бeриш тариқасида давлат ташкилотлари томонидан ўтказиладиган тадбирлардир.

Мутахассис танлашда номзодлар қуйидаги талабларга жавоб бeришлари керак:

- иқтисодий-сиёсий фаоллик ва маънавий хусусиятлар;
- соғлиқ-саломатлик ва психик ҳолат;
- жисмоний тайёргарлик;
- умумтаълим тайёргарлиги.

Аскарларни касбга йўналтиришда қуйидагиларга эътибор бeриш керак:

1. Ҳарбий хизмат тўғрисида тўғри ва тўлиқ тушунча бeриш.
2. Ҳарбий низоamlарга асосланиб, аскарларнинг фаолиятини ташкил этиш.
3. Ўқув машқларини жанговар шарoитларга яқинлаштириш.

Хулоса. Юқоридagi мулоҳазалар таълим муассасасларида фаолият юритувчи чaқирувга қадар бошланғич тайёргарлик йўналиши ҳарбий раҳбарларининг шахс психологиясини ўрганишда ва ҳарбий психология фани имкониятларидан кенг фойдаланиш ҳoлда уларга илмий маслаҳатлар бeришга хизмат қилиш билан аҳамиятлидир. Чунки, ҳар бир ҳарбий раҳбар фаолиятини педагогик ва психологик жиҳатдан тўғри ташкил этиш учун нафқат ҳарбий психология, балки шахс психологияси имкониятларини ўрганиш ва бу имкониятлар қўламидан унумли фойдаланиши муҳим аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР

1. Газиев Э.Г. Управление учебной деятельностью школьников. — Т.: Ўзбекистон, 2001. — 43 с.
2. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. — Москва, 2001. — 78 с.
3. Икромов И., Сотаолдиев О. Ҳарбий педагогика ва психология //Низомий номидаги Тошкент педагогика университети. — Т.: Ўзбекистон, 2003. — 246 б.
4. Ғозиев Э.Ғ. Ўқувчиларда умумлаштириш усулларини шакллантириш ва уларнинг ақлий тараққиёти. — Тошкент: Ўзбекистон, 2001. — 156 б.
5. Ғозиев Э.Ғ. Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини бошқариш. — Т.: 2002. — 367 б.
6. Дьлченко В. Психолого-педагогические основы деятельности командира// изб. МО Воинная мысль, 1991. — 78 с.
7. Барабанщиков А.В. Психология воинского коллектива. — М.: Военная мысль, 1967. — 98 с.

ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИ ВА ИЛМИЙ ИШЛАНМАЛАР ТИЖОРATЛASHУVIDA ИННОВАЦИОН КОМПЛЕКСЛАРНИНГ Ўрни

Усмонов Ботир Шукрпаевич

Москва давлат университети Тошкент шаҳридаги филиали Амалий математика ва информатика кафедраси доценти

Қодиров Мўмин Қодирович

СамДУ Астрономия кафедраси физ.мат.фанлари доктори, профессор

Танич сўзлар: ўқув-илмий-инновацион комплекс, инновацион инфраструктура, илмий тояларни тижоратлаштириш, иқтисодийнинг реал сектори, интеллектуал мулк.

Ключевые слова: учебно-научно-инновационный комплекс, инфраструктура, коммерциализация научных идей, реальный сектор экономики, интеллектуальная собственность.

Key words: academic scientific and innovative complex, innovative infrastructure, commercialization of scientific ideas, real sector of economy, intellectual property.